Биография

Фароғат Убаева



Фароғат Саидовна Убаева 1924 йил 8 июлда Самарқанд вилояти Қорадарё (ҳозирги Каттақўрғон) районининг Пайшанба қишлоғида туғилди. Бошланғич маълумотни отаси ёрдамида оилада олди, 1935—37 йилларда Бухородаги 15-педагогика билим юрти қошида ишлаб турган тайёрлов курсида, 1937—40 йилларда мазкур билим юртининг ўзида, 1940—44 йил- ларда эса Бухоро Давлат педагогика институтинииг тил ва адабиёт факультетида ўқиди. Уқишни аъло баҳолар билан тугатгач, институтнинг ўзбек тили кафедрасида ассистент қилиб қолдирилди, кўп ўтмай катта ўқитувчиликка ўтди.

Ф. Убаева 1959 йилда Самарқанд Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти А. Ҳ. Сулаймонов раҳбарлигида «Ҳозирги ўзбек адабий тилида гапнинг уюшиқ бош бўлаклари» номли мавзуда кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

Олима 1962 йилдан Тошкент Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти лавозимида ишлаган.

Ф. Убаеванинг илмий фаолияти кўпроқ пайт ҳоли, гапнинг уюшмаган иккинчи даражали бўлаклари, умумлаштирувчи бўлаклар каби синтактик категорияларни таҳлил қилиш билан боғлангандир. У «1941 —1945 уруш йилларидаги шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган.

Асарлари:

1957 Гапнинг уюшиқ бош бўлаклари ҳақида. «Доклады и тезисы конференции», Бухара.

1958 Уюшиқ эгалар ҳақида. «Уч. зап. Бухарск. пединститута», Бухоро.
Сўз ясаш усуллари ҳақида. (Ҳамкор — А. С. Сайфуллаев), Бухоро.

1959 Уюшиқ бош бўлак аъзоларини гап ичида ўринлаштириш тартиби. «Уч. зап. УзГУ», Новая серия, № 91.

1961 Феъл-уюшиқ кесимлар ҳақида. «Уч. зап. Бухарск. пединститута», Бухоро.

1962 Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари. Тошкент (ҳаммуаллифлар: Д. Ашурова, Ҳ. Болтабоева).

1964 «Билан» ёрдамчиси ҳақида. ТошДУ илмий асарлари, 260, Тошкент.

1966 Обстоятельства количества. «Тезисы докладов научной конференции профессорско-преподавательского состава, посвященной итогам научно-исследовательской работы ТашГУ за 1965 г», Ташкент.
Ўшатиш ҳоли. ТошДУ илмий асарлари, 296.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.